

№01-07/3
4.04.2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги директори,
Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов
2022 йил 4 апрель

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг
кенгайтирилган йиғилиши
3-сон БАЁНИ

2022 йил 4 апрель

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

У.М.Юсупов

-“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат раиси

Қатнашдилар:

Ш.Садиқов, Х.Исаев, Д.Кучарова,
А.Мамазаров, Д.Закирова

-“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари

Д.Хамдамов

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бош мутахассиси

-Агентлик марказий аппарати ходимлари,
Архив иши ҳудудий бошқармалари
бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари,
малака ошириш илмий-методик маркази
директорлари

КУН ТАРТИБИ:

I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг 2022 йил I чорак учун фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқларнинг 2022 йил I чораги давомидаги ижро ҳолати тўғрисида.

**I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори
ўринбосарларининг 2022 йил I чорак учун фаолияти самарадорлигини ва
мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари
бўйича фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида**

*(У.Юсупов, Д.Хамдамов, Ш.Садиқов, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Д.Кучарова, А.Маманазаров,
Д.Закирова, У.Юсупов)*

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

1. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил I чорак учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил I чорак бўйича бажарилиши I-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил I чорак бўйича бажарилишидан келиб чиққан ҳолда, директор ўринбосарларининг умумий самарадорлик кўрсаткичлари I чорак бўйича Ш.Садиқов — 123 фоизни ташкил этиб "аъло" ва Х.Исаев — 98,7 фоизни ташкил этиб, “яхши” деб деб баҳолансин.

4. Агентлик директори ўринбосарларининг эътибори уларнинг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор эканлигига қаратилсин.

5. Агентлик директори ўринбосарлари мазкур баён билан тасдиқланган фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой якуни билан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот берилишини таъминласинлар.

6. Мазкур баён ижросини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар, шу жумладан, Агентлик директори ўринбосарлари фаолияти кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолатини ҳар ой якуни бўйича оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш, Агентлик Ҳайъати йиғилиши материалларини тайёрлаш Агентликнинг Архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати бўлими зиммасига юклансин.

**II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги
ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори
талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган
топшириқларнинг 2022 йил I чораги давомидаги ижро ҳолати тўғрисида**

*(У.Юсупов, Д.Хамдамов, Ш.Садиқов, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Д.Кучарова, А.Маманазаров,
Д.Закирова, У.Юсупов)*

7. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқларнинг 2022 йил I чораги давомидаги ижро ҳолати тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинганлиги ва 2022 йил I чораги давомида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар сони **жами 11 тани** ташкил этганлиги, топшириқларнинг барчаси белгиланган муддатлардан кечиктирилмасдан ижроси таъминланганлиги;

2022 йил I чораги давомида Агентликка келиб тушган ҳужжатлар **580** тани, юборилган ҳужжатлар **433** тани ташкил этганлиги, **63** та асосий фаолиятга оид, **41** та шахсий таркибга оид буйруқлар ва **13** та фармойишлар ишлаб чиқилганлиги;

ҳисобот даврида Агентлик томонидан **46** та, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари (**2** та), Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари (**6** та), Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари (**25** та), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (**13** та) ижроси юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинганлиги;

2022 йил I чораги давомида **6** нафар ходимларга нисбатан “хайфсан” эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. “Ўзархив” агентлиги директор ўринбосарлари (Ш.Садиқов ва Х.Исаев) ҳамда Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, бунда “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар ҳамда қуйи бўғинларда ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратилиши;

топшириқларни бажариш бўйича назорат ва ҳисобдорликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсинлар.

9. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари (Ш.Садиқов ва Х.Исаев) ҳамда бош мутахассис (Л.Мирзаев) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, пухта молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда белгиланган муддатларда киритилишини таъминласинлар.

10. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари (Ш.Садиқов ва Х.Исаев), барча масъул ходимлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари директорлари:

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш чораларини кўрсинлар; Агентлик директори буйруқлари, фармойишлари ҳамда барча турдаги топшириқларини ижросини ўз вақтида ҳамда сифатли таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ иш юритиш ва ижро интизоми ҳамда ҳужжатлар айланмасини электронлаштирилганлигини инобатга олган ҳолда иш юритиш йўриқномаларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

11. Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов) юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларни интизомий жазога тортиш юзасидан таклиф киритсин.

12. Мазкур баён ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ҳайъат котиби:

Ш.Ҳожибоев

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини
ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган
кўрсаткичларининг 2022 йил I чорак бўйича бажарилиши**

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	I чорак			Баҳолаш
			режа	амалда	фоизда	
1. Директор ўринбосари (Ш.Садиқов, архив ҳужжатларини такомиллаштириши масалалари бўйича)						
1.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини Давлат ҳисоби. Қабул қилинган фондлар ва ҳужжатлар ҳисоби.	минг сақлов бирлиги	30	45,8	153	аъло
2.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш.	минг сақлов бирлиги	70	105,2	150	аъло
3.	Миллий архив фонди ҳужжатларини идоравий сақловини ташкил этиш ва назорат қилиш.	минг сақлов бирлиги	36	46,5	129	аъло
4.	Давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш.	минг сақлов бирлиги	20	25,6	128	аъло
5.	Ташкилот ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорат текширувини амалга ошириш.	ташкилот сони	50	55	110	аъло
6.	Давлат архивлари томонидан ташкилотлар ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.	ташкилот сони	300	342	114	аъло

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	I чорак			Баҳолаш
			режа	амалда	фоизда	
7.	Архивчи ва иш юритувчи кадрларни билим ва малакасини ошириш.	нафар	250	250	100	аъло
8.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	10	10	100	аъло
Жами					123	аъло
2. Директор ўринбосари (Х.Исаев, ахборот технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича)						
1.	Миллий архив фондидаги алоҳида ҳужжатларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	минг та	52,5	52	99	яхши
		минг кадр	3150	3455	109,7	аъло
2.	Бошқарув ҳужжатлари рўйхатларини рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	та	420	420	100	аъло
3.	Давлат архивларида замонавий ахборот технологиялари қурилмалари билан таъминланиши.	та	12	12	100	аъло
4.	Архив ходимларини ахборот технологиялари йўналишида билим ва кўникмаларини ошириш.	нафар	30	25	83,3	қониқарли
5.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	1	1	100	аъло
Жами					98,7	яхши